

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҒОҒУРОВА МАҲҒУЗА АББОСОВНА

БОШЛАНҒИЧ СИНФ МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА
ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Гофурова Махфуза Аббосовна

Бошланғич синф математика дарсларида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини
ривожлантириш методикасини такомиллаштириш 3

Гафурова Махфуза Аббосовна

Совершенствование методики развития познавательной деятельности
учащихся на уроках математики в начальных классах..... 27

Gafurova Mahfuza Abbosovna

Improving the methods of development of cognitive activity of students in
mathematics lessons in primary education. 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published work 55

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҒОҒУРОВА МАҲҒУЗА АББОСОВНА

БОШЛАНҒИЧ СИНФ МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА
ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Ped953 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namdu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Асимов Алижон
физика-математика. фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Нажмиддинова Ҳилола Ёқубжоновна
педагогика фанлари доктори, доцент

Назирова Гузал Маликовна
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
В.И.Романовский номидаги **Математика**
институт

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020. Ped.76.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 10 декабрь соат 10.⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (160107, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-29-81. факс: (+99869) 228-85-02; e-mail: info@namdu.uz)

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 160107, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-29-81.

Диссертация автореферати 2022 йил 29 ноябрь куни тарқатилди.
(2022 йил 29 ноябрда 26 - рақамли реестр баённомаси)



Т.Файзуллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
с.ф.д., профессор

Ш.К.Хужамбердиева
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, педагогика фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

К.М.Боймирзаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, г.ф.д. (DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида ва халқаро илмий тадқиқот марказларида мактаб таълимини ривожлантириш, билим бериш самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар ва бу асосда халқаро стандартлар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, Узлуксиз таълим учун таянч компетенциялар – умумевропа стандартлари структураси тўғрисидаги ҳужжат, Халқаро ўқувчиларни баҳолаш Дастури, Таълим натижаларини баҳолаш бўйича Халқаро Ассоциациянинг Халқаро математика ва аниқ ҳамда табиий фанлар тенденцияларини ўрганиш марказларида математика фанини ўргатиш бўйича халқаро стандартлар ишлаб чиқилмоқда. Мазкур тадқиқотларда математика таълими ва фанларини янада ривожлантириш, ўқувчиларнинг билиш фаолияти, кенг дунёқараш ва теран тафаккурини шакллантиришда математик фикрлашнинг аҳамиятини ошириш зарурати тадқиқ этилмоқда.

Жаҳонда мактаб таълимини такомиллаштириш, унга ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантиришга кучли таъсир кўрсатувчи ёндашувни олиб кириш, аниқ фанлар, хусусан математика фани орқали ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ошириш, тафаккур қилиш, билиш имкониятларини фаоллаштириш, мулоҳаза қилиш ҳамда тўғри қарорлар қабул қилишга хизмат қилувчи инновацион концепция ва назарияларни ишлаб чиқиш долзарблик касб этмоқда. Бугунги кунда ёш авлоднинг билим ва саводхонлигини ошириш орқали келгусида уларнинг:

меҳнат ва хизматлар бозорида рақобатбардош кадрлар бўлиб етишишини таъминлаш;

ҳозирги глобаллашган оламда уларнинг мослашувчанлик қобилиятини янада ривожлантириш;

юқори назарий ва амалий тайёргарлиги билан бир қаторда кенг дунёқараш ва теран тафаккурга эга бўлиши муҳим ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам умумий ўрта таълим тизимида бошланғич синфлардан бошлаб математика фанини талаб даражасида ўқитиш орқали ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантириш бугунги кунда юксак ижтимоий заруратга айланмоқда.

Ўзбекистонда ҳам математика фанини ўқитиш ва у орқали илм олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш 2020 йилдаги илм-фанни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди ва математика таълимини янги сифат босқичига олиб чиқишга қаратилган қатор тизимли ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «2019 йилда Қорақўл туманида Халқаро математика мактабининг очилиши, буюк аллома Муҳаммад ал Хоразмий номидаги «Ёш математиклар халқаро олимпиадаси»нинг ўтказилиши»¹ мазкур ислоҳотларнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлмоқда. «Болаларнинг

¹Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-том. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2020. – Б.186-187.

тахлилий ва креатив фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун уларга сермазмун ва тушунарли дарсликлар яратиш»² зарурлиги намоён бўлмоқда. Шу боис, бошланғич синф ўқувчиларини ўқитишда тизимли бўшлиқларни ташхислаш ва уларни ҳал этиш энг мақбул ечимларини аниқловчи, билиш фаолиятига доир кўникмаларни синовчи моделлар бўлган EGRA ва EGMA стандартларини жорий қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда мактаб ўқувчиларининг билиш фаоллигини ривожлантириш, уларда маълум кўникмаларни шакллантириш масалалари, шунингдек, бошланғич синф ўқувчиларининг математик тафаккурини, мантиқий фикрлашини ўстириш масалалари олимлар томонидан босқичма-босқич тадқиқ этиб борилмоқда. Тадқиқотчи олимлардан Ж.Икромов, Н.Р.Ғайбуллаев, Т.Тўлаганов, М.Тожиев, Б.С.Абдуллаева, С.Алихонов, Н.У.Бикбаева, Л.С.Левенберг, М.Раёмов, А.Ахлимирзаев, М.Баракаев, Д.И.Юнусова, У.Ж.Содиқов, А.А.Парманов, М.Мамажоновалар томонидан бошланғич синф ўқувчиларининг интеллектуал қобилиятининг айрим жиҳатларини математика таълими асосида ривожлантириш масалалари ўрганилган.

Бошланғич синф ўқувчиларининг билиш фаолиятини математика таълими асосида ривожлантиришнинг айрим жиҳатлари МДХ мамлакатлари

²<https://president.uz>. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020.

олимларидан В.А.Далингер, Ю.М.Колягин, И.Я.Лернер, С.И.Шварцбурд, А.Г.Мордкович, Л.М.Фридман, Л.Г.Питерсон, Л.П.Стойлова, Н.Б.Истомина, Л.П.Терентьева кабилар томонидан тадқиқ этилган.

Ғарб мамлакатлари олимларидан M.J.Raoano, K.Mahoney, M.S.Kurbal, P.O.Johnson, H.M.H.A.H.Pungut томонидан таълимда ўқувчиларда маълум кўникмаларни шакллантириш ҳамда унинг самарадорлигини таъминлаш масалалари тадқиқ этилган.

Ушбу тадқиқот иши асосан бошланғич синф ўқувчиларининг математика дарслари орқали мантиқий фикрлаш қобилиятлари ва билиш фаолиятини ривожлантиришга қаратилган. Аммо бошланғич синфларда матнли ва ностандарт масалаларни мулоҳаза юритиш усули билан ечиш методикаси, қиёслаш, таққослаш каби мураккаб бўлмаган математик қонуниятларни аниқлаш етарли даражада тадқиқ этилмаган. Юқоридаги таҳлиллардан кўринадики, бошланғич синф ўқувчиларида билиш фаолиятини ривожлантириш учун креатив компетентлигини оширувчи мантиқий ва танқидий фикрлаш, мустақил таҳлил қилиш, мулоҳаза юритиш усуллари орқали ечишга доир ностандарт масалалар устида тадқиқот олиб боришни тақозо этади. Бу тадқиқот ишимизнинг долзарблигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация та дқиқоти Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Бошланғич таълимнинг долзарб масалалари ва ривожлантириш истиқболлари” йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бошланғич синф ўқувчиларида билиш фаолиятини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

математика дарсларида бошланғич синф ўқувчиларининг билиш фаолиятини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолатини кузатиш, таҳлил қилиш ва шу асосда унда мавжуд бўлган муаммони аниқлаш;

математика дарсларида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини такомиллаштиришда мантиқий ва ностандарт масалаларнинг ўрнини аниқлаш ва уларни ечиш усуллари устида мулоҳаза юритиш, танлаш, таққослаш, математик қонуниятларни аниқлаш усуллари ёрдамида бошланғич синф ўқувчиларининг билиш фаолиятини ривожланишига хизмат қиладиган топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш;

бошланғич синф ўқувчиларининг билиш фаолиятини ривожланганлик даражаларини аниқлаш мезонини ишлаб чиқиш;

бошланғич синф ўқувчилари билиш фаолиятини ривожлантиришнинг дастурий таъминотини тажриба-синовдан ўтказиш ҳамда самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бошланғич синф ўқувчиларида билиш фаолиятини ривожлантириш жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бошланғич синф ўқувчиларининг билиш фаолиятини ривожлантиришнинг мазмуни, шакл ва методлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида педагогик, психологик ва методик адабиётларни ўрганиш, назарий ва қиёсий таҳлил, ижтимоий сўров (анкета, суҳбат, интервью, ташхис), педагогик кузатиш, моделлаштириш, педагогик тажриба, эксперт баҳолаш, математик статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

математика таълимида бошланғич синф ўқувчиларининг билиш фаолиятини ривожланганлик даражаларини аниқлаш мезонлари ташкилий-структуравий компонентлар праксиологик, абстракциялаш, лойиҳавий топшириқлар ва мантиқий фикрлашни ривожлантириш жараёни асосида ишлаб чиқилган;

математика таълимида мантиқий ва ностандарт масалаларни ечишнинг мавжуд усуллари ва уларни амалга оширишнинг математик қонуниятларини аниқлаш, дидактик таъминотнинг методологик, рефлексив, мазмунли, мотивацион, ривожлантирувчи фаразларни киритиш асосида такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларида математика таълими мантиқий ва ностандарт масалаларни ечиш усуллари анализ, синтез, дедуктив ва индуктив кўникмаларни мақсадли ривожлантириш асосида такомиллаштирилган;

бошланғич синф математика дарсларида ўқувчилар билиш фаолиятини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш модели мотивацион, кўп векторли ёндашув (эмоционаллик, прогрессивлик, мотивация, қулайлик, натижавийлик каби босқичлар) асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Matematik savodxonlik” номли дастурий маҳсулот ишлаб чиқилган;

бошланғич синф ўқитувчилари учун “Matematika darslarida o‘quvchilar bilish faoliyatini rivojlantirish texnologiyalari (boshlang‘ich sinf misolida)” номли ўқув қўлланма нашр этилган;

“Boshlang‘ich sinflarda masala yechishga kompetensiyaviy yondashuv”, “Boshlang‘ich ta‘lim 3-sinflari uchun matematika fanidan yangi dastur asosida tayyorlangan dars ishlanmalar to‘plami” номли услубий қўлланма ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқ этилаётган муаммога фалсафий ҳамда илмий-педагогик ёндашув тадқиқот мақсади, объекти, предмети, вазифаларига мос келувчи методлар мажмуасидан фойдаланилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, тажриба-синов ишларининг самарадорлиги математик статистика методлари воситасида асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бошланғич синф ўқувчиларида билиш фаолиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган дидактик материалларнинг тизимлаштирилганлиги, бошланғич синф ўқувчиларида математика таълими асосида малака ва кўникмаларни шакллантиришга хизмат қиладиган усуллар, методлар ва технологияларни қўллаш имкониятлари аниқланганлиги,

ўқувчиларда ҳаётий ҳамда билиш кўникмаларини инновацион ғоялар асосида ривожлантирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти инновацион ғоялар ва хорижий тажриба асосида бошланғич синф ўқувчиларида билиш фаолиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган дидактик ишланмалар, савол ва топшириқлар, машқ ва масалаларнинг ишлаб чиқилганлиги ва тизимлаштирилганлиги, ўқув жараёнига татбиқ этишга йўналтирилган илмий-методик тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги, бошланғич синф ўқувчиларида математика таълими асосида билиш фаолиятини ривожлантиришни баҳолаш методикасининг такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошланғич синф ўқувчиларининг билиш фаолиятини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш бўйича олинган тадқиқот натижалари асосида:

математика таълимида бошланғич синф ўқувчиларининг билиш фаолиятини ривожланганлик даражаларини аниқлаш мезони танқидий фикрлаш, мустақил таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш ва ижодий фикрлаш асосида такомиллаштиришга доир тадқиқот натижалари “Matematika darslarida o‘quvchilar bilish faoliyatini rivojlantirish texnologiyalari (boshlang‘ich sinf misolida)” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 28 августдаги 375-сонли буйруғи асосида №375-028 сонли гувоҳномаси). Натижада бошланғич синф ўқувчиларининг билиш фаолиятини ривожлантиришда инновацион технологиялардан кенг фойдаланишга хизмат қилган;

математика таълимида ностандарт масалаларни ечишнинг мавжуд усуллари хусусида мулоҳаза юритиш, танлаш, таққослаш, математик қонуниятларни аниқлаш, фаразларни ўртага ташлаш усуллари асосида такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан “Умумий ўрта таълимнинг миллий ўқув дастури”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2021 йил 6 июлдаги 01/11-02/02-964-сон маълумотномаси). Натижада, математик таълим асосида бошланғич синф ўқувчиларида билиш ва ҳаётий кўникмаларини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

бошланғич синф ўқувчиларига математик таълим асосида мантиқий ва ностандарт масалаларни ечиш усуллари анализ, синтез, умумлаштириш, хулоса чиқариш кўникмаларини ривожлантириш асосида такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсияларидан Халқ таълими вазирининг 2020 йил 15 майдаги “Халқ таълимини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисида”ги 125-сонли буйруғига асосан, умумий ўрта таълимнинг Миллий ўқув дастури доирасида бошланғич синфлар учун янги ўқув дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2021 йил 6 июлдаги 01/11-02/02-964-сонли маълумотномаси). Натижада бошланғич синф ўқувчиларининг математик

таълим асосида билиш фаолиятини ривожлантиришнинг дидактик имкониятлари такомиллаштирилган;

бошланғич синф математика дарсларида ўқувчилар билиш фаолиятини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш моделига доир ишлаб чиқилган таклифлардан Давлат илмий техник дастурлари доирасида 2015-2017 йилларда Наманган давлат университетиде бажарилган А-5-37 рақамли “Мақтабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва бошланғич синф ўқувчиларининг дастлабки математик билимларини шакллантиришга мўлжалланган мултимедиали интеллектуал ўйинлар” номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 11 ноябрдаги 02-07-3519/04 сонли далолатномаси). Натижада мақтабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва бошланғич синф ўқувчиларининг дастлабки математик билимларини шакллантиришга мўлжалланган мултимедиали интеллектуал ўйинлар сценарийларини ишлаб чиқишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуман, шу жумладан, 3 та республика ва 3 та халқаро конференцияда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, шу жумладан, 1 та ўқув қўлланма, 2 та ўқув-услугий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, шулардан 6 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган. 1та ЭҲМ учун дастурий маҳсулотга Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 112 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бошланғич синф математика дарсларида ўқувчилар билиш фаолиятини ривожлантиришнинг илмий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида билиш фаолияти ва уни ривожлантиришнинг гносеологик-педагогик асослари, замонавий

ёндашувлар, бошланғич синф ўқувчиларида билиш фаоллигини ривожлантиришнинг мазмуни ва асосий босқичлари, мавжуд ҳолати тадқиқ этилган. Бошланғич синф математика дарслари орқали ўқувчиларда билиш фаоллигини ривожлантиришга хизмат қилувчи дарсликларда ҳамда ўқитувчилар учун ўқув методик адабиётларда келтирилган ностандарт ва мантиқий мазмундаги масала-топшириқларнинг ёритилганлик ҳолати тадқиқ этилган.

Бугунги кунда ёшларнинг таълим-тарбияси, уларнинг ўқув-билиш фаолиятининг гносеологик-педагогик асосларини ҳамда ушбу масалага доир замонавий ёндашувларни тадқиқ этиш долзарб вазифалардан бирига айланмоқда. Ҳозирда дунё бўйича ривожланган мамлакатларда ёшлар таълим-тарбиясига катта эътибор берилмоқда ва мазкур масалаларга доир давлат дастурлари ҳам қабул қилинмоқда. Бу борада Ўзбекистон узлуксиз таълим тизимида ҳам туб ислохотлар олиб борилмоқда ва уларда ёшларнинг интеллектуаллик даражаси, билими, дунёқарashi ва эгаллаган билимларини рақобатбардошлиги масалалари таҳлил этилмоқда. Зеро, «бизнинг бош мақсадимиз – янги Ўзбекистонни барпо этишдан иборат. Аммо уни ёшларсиз куриб бўлмаслигини ҳам яхши тушунамиз. Ўсиб келаётган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни эл-юртимизнинг фидойи фарзандлари этиб тарбиялаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга». Мазкур мақсадлардан келиб чиққан ҳолда мактаб ўқувчиларининг тафаккури, фикрлаш тарзи ва дунёқарашини ўстиришга, математик тафаккури, ҳисоблаш тезкорлиги, атроф-муҳит ва олам ҳақидаги билимлари, дунёқарashi, воқеа-ҳодисаларга муносабати асосидаги фикрлаш тарзи, онгли муносабатини шакллантиришда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш муҳим вазифа сифатида белгиланди.

Ўқувчиларнинг билиш фаолияти уларнинг ақлий ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Бу ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳияти, математик фикрлаш тарзининг юқорилиги улардаги ўқув-билиш фаолиятининг самарали бўлиши ва натижавийлигини таъминлайди.

Мазкур соҳа бўйича ўзлаштириладиган билимларга куйидагича мақсадлар қўйилади:

бериладиган ҳар бир назарий билим ўқувчи томонидан ўзлаштирилиши зарур бўлган жараён негизида шакллантирилиши керак. Бунда ўзлаштириш ва бошқа кўрсаткичларни синтез қилувчи якуний натижалар эгалланган билим асосида ўз аксини топиши лозим;

бериладиган билимлар мукамал бўлиши ва уни етарли даражада эгаллашишига эришиш ва бу билимларини амалиётда қўллай олиш имконияти яратилиши керак. Бу эса пировардида, халқаро меҳнат ва хизматлар бозори талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш имконини беради.

Юқоридагилар асосида:

эгалланилган билимлар ўзгариши мумкин бўлган турли кўринишдаги вазиятларда татбиқ эта олиниши ва улар томонидан ўз вақтида тўғри қарорлар қабул қила олиш малакалари бўйича аниқланади;

эгалланадиган билим етарли даражада бўлиши шарт. Бунинг учун ўрганиладиган мавзуга оид масалаларни ечиш усулларни ишлаб чиқиш орқали турли хил кўринишда бўлган ёндашувлар орасидан энг қулай ва ўрганилаётган мавзуга мосини танлаш;

эгалланадиган билимлар аниқ ва кўриб чиқиладиган мавзуга оид тушунчаларни умумлаштира оладиган кўринишда бўлиши талаб этилади. Бунда умумлаштирилган билимнинг аниқ намоён бўлишини ёритиб бериш маҳорати, эгалланилган билимларни умумлаштириш асосида чуқурлаштириш, хусусийликдан умумийликка (индукция) ўтиш орқали эришилади.

Бошланғич синф ўқувчилари билиш фаолиятининг натижаси бўлган ҳақиқий билимни шакллантиришда ўқитувчи қуйидагиларни ҳисобга олиши мақсадга мувофиқ:

ўқувчилар томонидан анланган ҳолда билимларни эгалланишига эришиш, яъни ундан келгуси амалий фаолиятда фойдалана олиши;

ўқувчиларда шакллантирилган билим уларнинг ёшига ва таълим босқичига (нечанчи синфда ўқиётганлигига) мос келиши;


ўқувчи ҳар бир эгаллаган янги билимини далиллар билан асослай олиши.

Бошланғич синф ўқувчиларида билиш фаолиятини тизимли ташкил этиш уларда ўрганилаётган ўқув материалларини ўзлаштириш кўникмаларини шакллантиради.

Бошланғич синф ўқувчиларининг билиш фаолияти улар томонидан ўзлаштирилган ахборотларнинг юқори даражаси ҳисобланади. Бу ахборотнинг билиш муаммоларини, вазифаларини қўйиш ва уларни ҳал этиш жараёнида намоён бўлади. Билиш – изчил ва ижодий фаолиятнинг ижтимоий жараёни бўлиб, унда ташқи дунёнинг идеал образлари юзага келади. Натижада билиш мақсади бўлган билим шаклланади. Бошланғич синф математика дарслари жараёнини янги мазмун, шакл ва усуллар билан бойитиб боришлари лозим. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “халқ таълими соҳасидаги стандартлар ва ўқитиш услубларини илғор хорижий тажрибалар асосида, ўқувчининг индивидуал қобилиятларини рўёбга чиқариш нуктаи назаридан қайта кўриб чиқиш лозим”³ деган фикрларини келтириш мумкин.

Математика фани бошланғич синф ўқувчиларида мақсадга йўналганлик, мантиқий фикрлаш, топқирлик, тезкорлик хислатларини шакллантира боради. Бошланғич синф ўқувчиларининг билиш фаолиятидаги асосий меъзон сифатида ўзини эркин тутиш, шаклланган мулоқот, ўқишга баҳо бериш ва мотивацияни келтириш мумкин.

³ Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б.75-76.



1-расм. Бошланғич синф ўқувчиларининг билиш фаолияти мезонлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “халқ таълими соҳасидаги стандартлар ва ўқитиш услубларини илғор хорижий тажрибалар асосида, ўқувчининг индивидуал қобилиятларини рўёбга чиқариш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш лозим”⁴ деган ўринли фикрларига биноан бошланғич синф математика дарслари жараёнини ҳам тизимли равишда янги мазмун, шакл ва усуллар билан бойитиб бориш керак.

Мамлакатимизда математика 2020 йилдаги илм-фанни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Ўтган давр ичида математика илм-фани ва таълимини янги сифат босқичига олиб чиқишга қаратилган қатор тизимли ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, соҳада ечимини топмаган қатор масалалар математика соҳасидаги таълим сифати ва илмий-тадқиқот самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш заруратини кўрсатмоқда. Жумладан, соҳадаги олимларнинг хорижий илмий ва таълим муассасалари билан алоқалари миллий математикани жаҳон миқёсига олиб чиқиш, халқаро ҳамжамиятда нуфузини ошириш учун етарли эмас⁵.

Бошланғич синф математика дарсларида ўқув-билиш фаолиятини ташкил қилиш ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолият усуллари билан саналиб, бу фаолият орқали янги билим, малака ва кўникмаларга эришилади.

Ўқув-билиш фаолиятини ташкил қилиш методларининг бир неча турлари мавжуд. Ўқувчилар билим оладиган манбалар бўйича: оғзаки,

⁴ Мирзиёев Ш.М. Нияти улўғ халқнинг иши ҳам улўғ, хаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б.75-76.


⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4708-сонли Қарори.

кўрсатмали ва амалий методлар мавжуд. Уларни дарс жараёнида қўллашнинг қуйидаги усулларини тавсия этамиз.

Оғзаки методлар.

1. Қўшишни бажаринг.

Бунда ҳар бир йулакдаги сонлардан фақат бир марта фойдаланиш билан 18 сонини ҳосил қилинг. 18 сонини ҳосил қилиш учун 1) $6+5+7=18$ 2) $6+3+9=18$



2. Амалларни бажаринг ва яширинган сонларни топинг.



Бунда йўналиш бўйича 1) $9+2-10=1$. 2) $9-1+4=12$.

Ўқувчи фикрининг йўналиши бўйича: индукция, дедукция, аналогия методлари.

Индукция методи. 1-синфда йиғинди ва қўшилувчилар орасидаги боғланишни тушунтириш учун ўқувчиларни хулосага индуктив йўл билан олиб келиш мумкин.

$$9+5=14; \quad 14-5=9; \quad 14-9=5.$$

Ўқувчиларнинг ўзлари ушбу умумий хулосани ифодалашди: “агар йиғиндидан биринчи қўшилувчи айирилса, иккинчи қўшилувчи қолади, агар йиғиндидан иккинчи қўшилувчи айирилса, биринчи қўшилувчи қолади”.

Ўқувчилар томонидан индуктив йўл билан чиқарилган бу хулосадан айириш амали қаралаётганда дедуктив мулоҳазалар юритиш учун фойдаланилади.

Дедукция методи. Дедукция бир нечта хусусий хулосаларга асосланган ҳолда умумий хулоса чиқариш ҳисобланади. Масалан, йиғиндини сонга бўлиш хоссасини тушунтиришда дедуктив хулосадан фойдаланилади: бунда, йиғиндини сонга бўлиш учун йиғиндини ҳисоблаб, уни сонга бўлиш ёки ҳар қайси қўшилувчини сонга бўлиш ва ҳосил бўлган натижаларни қўшиш керак. 2-синфда қуйидагича мисоллар орқали текшириш мумкин:

$$1. (8+6):2=14:2=7; \quad (8+6):2=8:2+6:2=4+3=7.$$

$$2. (456+324):12=780:12=65; \quad (456+324):12=456:12+324:12=38+27=65.$$

Аналогия методи. 1 ва 2-синфларда юз ичида қўшиш ва айиришнинг ёзма усулларини ўргатиш, 3-синфда минг ичида сонларни қўшиш ва айиришга ўргатиш, 4-синфда миллион ичида кўп хонали сонларни қўшиш ва айиришга ўргатишга асосланган.

Математика фанининг билиш жараёнини қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. **Билишга қизиқиш** – математика фанининг билишга бўлган қизиқишини уйғотиш.

2. **Билиш фаоллиги** – ўқувчининг билиш жараёнидаги фаолияти.


3. **Мустақил билиш** – ўқув жараёнида ташаббус кўрсатиши, янги билимларни турли усуллар билан излаш хусусияти.

4. **Ўқув билиш фаолияти** – ижодий фикрлаш, мисол ва топшириқларни мустақил таҳлил қилиш орқали билим, қобилият ва кўникмаларга эга бўлиш.

5. **Ўқув фаолияти** – эгалланган билим, қобилият ва кўникмаларни мустаҳкамлаш.

6. **Билиш фаолияти** – кундалик фаолиятда математик билиш натижаларини қўллаш учун янги билимларни излаш.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш босқичлари куйидагича ифодаланиши лозим:




2-расм. Математика фанининг билиш жараёни омиллари

Демак, математика дарсларида билиш жараёнини ташкил этувчи бу компонентлар босқичма-босқич амалга оширилиши натижасида ўқувчининг билиш фаолияти ривожлантирилади. Бошланғич синф математика дарсларида ўқувчилар билиш фаолиятини ривожлантириш илмий билимларни ифодалаш билан бирга уларнинг мантикий фикрлашини ва дунёқарашини, теран тафаккурини шакллантириш вазифасини ҳам бажаради.

Хулоса қилганда, бошланғич синф ўқувчиларининг билиш фаолиятини ривожлантириш муҳим ижтимоий вазифалардан бири саналади. Давлат, жамият ва таълим тизими ҳамкорлигида ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш, илм олишга қизиқишни ривожлантириш, интеллектуал маданиятини ўстиришга мотивацияни кучайтириш ижтимоий тараққиётнинг муҳим омилларидан ҳисобланади.

Диссертациянинг “**Бошланғич синф математика дарсларида ўқувчилар билиш фаолиятини ривожлантиришнинг методик таъминоти**” деб номланган иккинчи бобда бошланғич синф ўқувчиларининг билиш фаолиятини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар таҳлили, математика дарсларида билиш фаолиятини ривожлантиришнинг инновацион-педагогик омиллари ҳамда ўқувчиларда билиш фаолиятини ривожлантиришнинг шакллари ва уларни такомиллаштириш йўллари тадқиқ этилган. Бошланғич синф ўқувчиларининг билиш фаолиятини ривожлантириш деганда ўқитиш мазмунини янги билимлар билан оператив равишда бойитиб бориш, уларни ўқувчиларга мақсадли ва самарали етказишни тақозо этувчи интерфаол жараён тушунилади. Бу борада, яъни ўқув-билиш фаолияти бўйича таълим беришда моделлаштириш методларидан фойдаланиш ижобий педагогик самараларни беради. Мақсадга эришиш учун фаолият мазмунини танлаш ва бу асосида педагогик жараённи ташкил этишнинг куйидаги модели ишлаб чиқилди.



3-расм. Бошланғич синф математика дарсларида ўқувчилар билиш фаолиятини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш модели

Ҳозирги кунда таълим жараёнини такомиллаштириш талабларига мувофиқ равишда, бошланғич синф математика дарслари самарадорлигини

ошириш учун математик масалаларни таҳлил қилиб ечиш усуллариининг ўргатилиши долзарб масалалардан бирига айланмоқда.

Бошланғич синф математика дарсларида матнли масалаларни асосан қўидаги турларига ажратиш мумкин:

Расм асосида берилган масалалар.

Биринчи синфда дастлаб масалалар расм орқали берилади, уларни тушунтиришда сонларни (0,1,2,3.....) қўшиш ва айришнинг назарий асосларидан фойдаланилади. Маълумки, сонлар устида амаллар бажариш ва уларнинг хоссаларининг назарий асосларини қуриш уч хил амалга оширилади:

тўпламлар назарияси орқали;

кесма узунлиги сифатида;

аксиоматик қуриш.

Масала. Расм асосида масала тузинг ва ечинг.

1.



2	+	3	=	
---	---	---	---	--

3	+	2	=	
---	---	---	---	--

Масала матнини ўқувчилар қўидагича тузиши мумкин.

а) ўтлоққа ўнг томондан 3 та от, чап томондан 2 та от кириб келди. Ўтлоқда жами нечта от бўлди?

Ечиш. Ўнг томондан келаётган отлар сони 3 та, чап томондан келаётган отлар сони 2 та, расмдаги барча отлар сони 5 та. У ҳолда, барча отлар сони 5 га тенг, бундан, $3+2=5$. Жавоб: 5та от.

б) ўтлоққа чап томондан 2 та ўнг томондан 3 та от кириб келди. Ўтлоқда жами нечта от бўлди?

Ечиш. Чап томондан келаётган отлар сони 2 та, чап томондан келаётган отлар сони 3 та, расмдаги барча отлар сони 5 та. У ҳолда, барча отлар сони 5 га тенг, бундан, $2+3=5$. Жавоб: 5та от.

Бу масала орқали ўқувчиларга расмга қараб масала тузиш ва қўшилувчилар ўрни алмаштирилганда йиғинди ўзгармаслиги ўргатилади.

Аналогия бўйича масалалар тузиш. Ўқувчилар берилган тайёр масалани ечганларидан кейин нафақат масаланинг мазмуни, балки катталиклар ҳам ўзгарадиган масалалар тузишга киришадилар.

1.Тикувчилик фирмасида 584 та костюм тикиш учун 2336 м мато сарфланди. 1068 та шундай костюм тикиш учун неча метр мато керак бўлади?

Ечиш: $2336:584=4$, $1068\cdot 4=4272$. Жавоб: 4272 метр.

2.Тикувчилик фирмасида 2336 м мато бор. Агар битта костюм учун 4 м мато сарфланса, берилган матодан нечта костюм тикиш мумкин.

Ечиш: $2336:4=584$. Жавоб: 584 та

3.Тикувчилар 584 та костюм тикиш учун 2336 м мато сарфлашди ва яна 1068 та шундай костюм тикишди. Ҳаммаси бўлиб неча метр мато сарфланган?

Ечилиши: $2336:584=4$. $1068 \cdot 4=4272$. $4272+2336=6608$. Жавоб: 6608 м.

Ностандарт масалаларни мулоҳаза юритиш усули билан ечиш ўқувчиларга таққослаш, кузатишга доир тажрибаларни тўплашга, мураккаб бўлмаган математик қонуниятларни аниқлашга, исбот талаб этадиган фаразларни ўртага ташлашга имкон беради.

Ностандарт масалалар билан танишишни тахминан қуйидаги характердаги масалалар кетма-кетлигида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ:

1) таркиби етишмаётган маълумотлар билан боғлиқ бўлган масалалар. Масалан,

Масала. Онаси ва қизининг ёшлари йиғиндиси 35 га тенг. 5 йилдан сўнг улар биргаликда неча ёшда бўлади?

Ечиш: Бу масалада она ва қизининг ёши нечада экани маълум эмас. Фақат улар ёшларининг йиғиндисигина маълум. Уларнинг 5 йилдан сўнг неча ёшда бўлиши ҳам номаълум. Беш йилдан кейин $5+5=10$ бўлиб, умумий йиғинди $35+10=45$ га тенг бўлади. Буни чизмада қуйидагича тасвирлаш мумкин:



2) янги вазиятни таҳлил қилиш қобилиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган масалалар. Масалан,

Масала. 45 сонини шундай 4 та қўшилувчига ажратингки, агар биринчи қўшилувчидан 2 ни айирсак, иккинчи қўшилувчига 2 ни қўшсак, учинчи қўшилувчини 2 га кўпайтурсак, тўртинчи қўшилувчини 2 га бўлсак бир хил сон келиб келиб чиқсин. Ушбу сонларни топинг.

берилган сон	1-қўшилувчи	2-қўшилувчи	3-қўшилувчи	4-қўшилувчи
45	12	8	5	20
$45=12+8+5+20$	биринчи қўшилувчидан 2 ни айирсак $12-2=10$	иккинчи қўшилувчига 2 ни қўшсак $8+2=10$	учинчи қўшилувчини 2 га кўпайтурсак $5 \cdot 2=10$	тўртинчи қўшилувчини 2 га бўлсак $20:2=10$

$45=12+8+5+20$. $12-2=10$. $8+2=10$. $5 \cdot 2=10$. $20:2=10$. Жавоб: 12; 8; 5; 20.

3) вазиятни мустақил таҳлил қилиш ва ушбу вазиятни ўзгартириш учун гипотезаларни шакллантириш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган қонуниятларни аниқлаш бўйича масалалар. Масалан,

Масала. Ота фарзандлари учун эртак китоблар ва 3 та расм дафтар сотиб олмоқчи. Дўконда эса 2 турдаги 12000 сўмлик шеърий китоблар, 15000 сўмлик фантастик китоблар ва 4000 сўмлик расм дафтарлар бор. Агар ота жами 87000 сўм сарфлаган бўлса, у хар иккала турдаги китобдан нечтадан сотиб олган бўлади?

Ушбу масалани ечиш учун биринчи навбатда китобларга сарфланган пул қанча эканлигини аниқлаштириб олиш лозим. Бунинг учун 3 та расм дафтарга сарфланган 12000 сўм пулни жами сарфланган 87000 сўмдан айириш керак бўлади:

$$87000 - 12 \cdot 000 = 75 \cdot 000$$

Натижада китоблар учун жами 75000 сўм сарфланганлиги аниқланади.

Сўнгра қайси китобдан нечтадан сотиб олиниши мумкинлигини кўриб чиқамиз.

1. Агар шеърий китобдан 3 та ва фантастик китобдан 3 та сотиб олинса жами 81000 сўм сарфланган бўлади.

$$3 \cdot 12000 + 3 \cdot 15000 = 36000 + 45000 = 81000.$$

2. Агар шеърий китобдан 4 та ва фантастик китобдан 2 та сотиб олинса жами 78000 сўм сарфланган бўлади.

$$4 \cdot 12000 + 2 \cdot 15000 = 48000 + 30000 = 78000.$$

3. Агар шеърий китобдан 5 та ва фантастик китобдан 1 та сотиб олинса жами 78000 сўм сарфланган бўлади.

$$5 \cdot 12000 + 1 \cdot 15000 = 60000 + 15000 = 75000.$$

Жавоб: Демак, ота фарзандлари учун 5 та шеърий китоб ва 1 та фантастик китоб сотиб олган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Бошланғич синф математика дарсларида ўқувчилар билиш фаолиятини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришга доир тажриба-синов ишларининг мазмуни**» деб номланади. Мазкур бобда бошланғич синф ўқувчиларида билиш фаолиятини ривожлантиришга доир тажриба-синов ишининг ташкилий асослари ва натижаларининг самарадорлик кўрсаткичлари тадқиқ этилган.

Тадқиқот доирасида олиб борилган тажриба-синов ишлари

Тажриба-синов ишлари тадқиқот ишининг гипотезаси тўғрилигини исботлади. Яъни, математика таълими жараёнида ностандарт ёндашув методикаси асосида бошланғич синф ўқувчиларининг билиш фаолиятини ривожлантириш учун зарурий шарт-шароитлар яратилиши, дидактик ўйинлар, машқлар ва топшириқлар, мустақил масалалар ечишга ўргатишдан изчил ва мунтазам фойдаланилиши яхши самара беришини исботладик.

Тадқиқот давомида бошланғич синф ўқувчиларида математика таълими асосида билиш фаолиятини ривожлантиришнинг янги шакл ва методларидан фойдаландик.

Математика таълимида бошланғич синф ўқувчиларининг билиш фаолиятини ривожланганлик даражаларини аниқлаш мезонлари ва уларнинг тавсифи

Мезонлар	Тавсифи
ижодий фикрлаш даражаси	муаммоларни ижодий ечиш ва яратувчилик фаолиятига нисбатан кўникмаларнинг ҳосил бўлиши
танкидий фикрлаш даражаси	математик масалаларни ечиш жараёнидаги хулосалар чиқариш ва қарорлар қабул қила олиш даражаси
мантикий фикрлаш даражаси	тафаккурни ўстиришга олиб келувчи ноодатий фикрлаш, дедукция ва индукция
мустақил таҳлил қилиш даражаси	тенглик ва тенгсизликларга доир топшириқларни бажариш орқали мустақил мулоҳаза юритиш, турли фарзларни келтира олиш

Таҷриба синов натижаларини математик-статистик таҳлил қилишда статистик кўрсаткичларнинг самарадорлиги математика фани бўйича назарий ва амалий билимларининг мавжуд даражаси «юқори», «ўрта» ва «паст» кўрсаткичлар билан баҳоланди. Унга кўра:

1. Юқори даража – инновацион ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида билиш фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълимий жараёнларда математика фани бўйича назарий билимлар пухта ўзлаштирилган; фан бўйича назарий билимларни ўзлаштиришда билиш фаолияти яққол намоён этилади; бошланғич синф ўқувчиларида билиш фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган амалий машқларни етарлича бажара олади; фан бўйича ўзлаштирилган назарий билимларни амалиётга татбиқ эта олиш малакаси намоён бўлади.

2. Ўрта даража – инновацион ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида билиш фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълимий жараёнларда математика фани бўйича назарий билимлар муайян даражада ўзлаштирилган; фан бўйича назарий билимларни ўзлаштиришда билиш фаолияти қисман намоён бўлади; бошланғич синф ўқувчиларида билиш фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган амалий машқларни қисман бажара олади; фан бўйича ўзлаштирилган назарий билимларни амалиётга татбиқ эта олиш кўникмаси қисман намоён бўлади.

